Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 9 февраль шанба

Сотувда эркин нархда

№ 30 (2858)

*Кўҳна тарихимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз ҳақида гапирганда, биринчилардан бўлиб улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари кўз олдимизга келади. Чунки бу мўътабар зот миллатимиз шарафини кўкларга кўтарган, юртимиз довруғини бутун оламга таранмум этган.*

Ислом КАРИМОВ.



## БУҒДОЙ СЎЗЛИ КИШИЛАР

Пахтакор туманидаги «Ғайрат» фермер хўжалиги пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Ўтган йили 40 гектар майдонда баракали ҳосил етиштирилди ва белгиланган шартнома режалари ошиғи билан бажарилди. Даромад ва манфаатдорлик ҳам шунга яраша. Қаршиевлар сулоласини туманда кўпчилик яхши танийди ва ҳурмат қилади. Оила бошлиғи Абдумурод ота 75 ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ҳамон даладан бери келмайди. Ўғиллари, невараларига доимий маслаҳатчи ва кўмакдош.

— Халқимизда «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин» деган нақл бор, — дейди отахон. — Инсон зафар қучиши, эл-юрт ўртасида обрў-эътиборли бўлиши учун, нафақат астойдил меҳнат, балки ширинсуҳанлик, одамларнинг кўнглига йўл топиш ҳам жуда-жуда керак. Билъакс, хирмонингнинг бир чети кемтик бўлади.

Айни кунда хўжалик далаларида кузги ғалла парвариши оби-тобида олиб борилаяпти.

***СУРАТДА:** Абдумурод ота Қаршиев ўғли Алижон билан экин ривожини кўздан кечираётган пайт.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## КЎЧМА ЙИҒИЛИШ

Бухоро вилоят ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг "Она ва бола" давлат дастури бажарилишини мувофиқлаштириш республика кенгашининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова бошқарди.

Йиғилишда шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий мажмуа ҳамда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, халқ таълими тизими раҳбарлари, марказий касалхоналар бош шифокорлари, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун", "Наврўз", "Болалар" жамғармалари вилоят бўлимлари раислари қатнашди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Она ва бола" давлат дастури тўғрисидаги қарорининг Бухоро вилоятида бажарилиши, шунингдек, ҳукуматимизнинг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларини ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама этилди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йиллари муносабати билан жамиятда аёллар мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида алоҳида дастурлар қабул қилинди ва изчил амалга оширилди. Бухоро вилоятида ҳам мазкур дастурларни бажариш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 8 миллиард 886,4 миллион сўм маблағ сарфланди. Жумладан, "Бандлик" дастури асосида 2001 йилда 21 мингдан зиёд аёлларга янги иш ўринлари яратилди. Аёлларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. "Соғлом авлод учун" вилоят жамғармаси тиббий патронаж бригадаси тузиб, кам таъминланган оилалар, ногиронларга бепул тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Жумладан, Жондор, Олот, Қоракўл туманларида аҳоли ўртасида касалликнинг олдини олиш бўйича етарлича саъй-ҳаракат кўрсатилмаяпти. Турмуш қураётган қизларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш барча шаҳар ва туманларда бирдек изчил йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда ҳукумат қарорлари ижросини изчил таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, бу борадаги муаммоларга давлат ва нодавлат ташкилотлари, вилоят жамоатчилиги эътиборини янада кучайтиришга оид вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов сўзга чиқди.

**Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.**

**Алишер Навоий асарларини одатда улкан уммонга қиёслашади. Бу, албатта, бежиз эмас. Бу уммон қаърига қанчалик чуқур кириб борсангиз, шунчалик кўп ажойиботларнинг гувоҳи бўласиз, шунча кўп дуру жавоҳирларни қўлга киритасиз. Вужудингиз покланиб, нурланиб бораётганини, тафаккур оламингиз бойиб, руҳингиз янада юксалаётганини ҳис қиласиз.**

**Беихтиёр ўйлаб қоласиз: шоир абадиятининг сири нимада экан? 500 йилдан ортиқроқ вақтдан буён неча-неча авлодларга ҳамроҳ ва маҳбуб бўлиб келаётган асарларнинг қиммати нимада? Нега шоир фикрлари ва ўгитлари барча даврлар учун долзарб бўлиб қолаверади?**



*9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун*

## АБАДИЙЛИК СИРИ

Албатта, бундай саволлар кўп. Аммо уларга жавобни фақат шоир асарларидан топиш мумкин. Зеро, бу асарларда умуминсоний қадриятлар тараннум этилади, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, инсоний фазилат ва иллатлар, ишқ ва вафо сингари абадий мавзулар қаламга олинади. Энг муҳими, шоир ҳар бир асарида инсоннинг турфа қиёфасини, унинг қалб туғёнларини акс эттиради, оҳори тўкилмаган фикрлар, фалсафий мушоҳадаларни баён этади. У инсонни шундай таърифлайди:

*Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳод,*
*Нодиру олий асоси коинот.*
*Барчасидан ашрафи инсон эрур,*
*Чун камолидин хирад ҳайрон эрур.*

Инсонга ва инсониятга буюк эҳтиром шоир асарларининг ўзагини ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар барча тилларда бирдек жаранглайди, эъзозланади, қадрланади.

Алишер Навоий ижодий мероси бизнинг давримизга келиб ўзининг чин қадр-қимматини топди. Унинг барча асарлари халқ мулкига айланди. Ўнлаб хиёбонлар, кўчалар, мактаблар шоир номи билан аталди. Марказий шаҳарларимизда унинг муҳташам ҳайкаллари тикланди. "Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от" деган аллома шоирнинг орзуси рўёбга чиқди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1991 йилда, истиқлолимизнинг дастлабки кунларида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида шундай деган эди: "Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади. Ишонамизки, Ўзбекистонимиз тез орада дунё ҳамдўстлиги ўртасида ўзига муносиб ўринни эгаллайди, иншооллоҳ. Ана ўшанда ҳам Алишер Навоийнинг қутлуғ номи бизга мададкор бўлади".

Ўтган ўн йил бу башоратомуз сўзларнинг ҳаққонийлигини исбот этди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Дунёдаги юзлаб мамлакатлар билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Айни пайтда Алишер Навоий меросига мурожаат, унинг асарларини оммалаштириш йўлидаги ишлар бир дақиқа бўлсин тўхтагани йўқ. Ҳеч шубҳа йўққи, олға томон ҳаракатимизда, ёш авлод тарбиясида Навоий асарлари бундан кейин ҳам қимматли дастуруламал бўлиб қолаверади.

**Улуғ шоир ва мутафаккир таваллуд топган кунга бағишланган саҳифани газетамизнинг 3-бетида ўқийсиз.**

## БУГУН

**● Учқўрғондаги «Қўғайтаъмирлаш» ҳиссадорлик жамиятида плёнка остига чигит экишга мўлжалланган қўшқаторли сеялка ишлаб чиқаришга киришилди. Деҳқонларга маъқул тушиб қолган янги мосламанинг 150 таси шу мавсумда хўжаликларга етказиб берилади.**

**● Андижон вилоят ўлкашунослик музейида миллий қўғирчоқлар кўргазмаси намойиш этилмоқда. Музей ходимлари ва «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бўлими томонидан биринчи бор ташкил этилган ушбу кўргазма ёш томошабинларда катта қизиқиш уйғотаяпти.**

**— Халқ эртаклари асосида яратилган қўғирчоқлар миллий ўзига хослиги ва шарқона либослари билан ажралиб туради, — деди вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси раҳбари М.Юсупова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кўргазмани уюштиришда маҳаллий рассом ва дизайнерларнинг ҳиссаси катта бўлди.**

**● Навоийда ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг вилоят олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган иқтидорли ёшлар иштирок этдилар.**

**Фанлар бўйича ўтказилган ушбу беллашувда 13 нафар ўқувчи ғолиб чиқиб, республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Эътиборли томони, ана шулардан 7 нафари Навоий шаҳридаги академик лицей талабасидир.**

**● Қўқон шаҳрида ташкил этилган «Кофра» қўшма корхонаси Ўзбекистон билан Франция ўртасида ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг амалдаги кўринишидир, десак хато қилмаймиз. Бу ерда йилига 500 минг жуфт аёллар, эркаклар ва болалар пойабзали ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Улар фирма дўконлари орқали республиканинг турли вилоятларига етказиб берилади.**

**Қўқонлик пойабзалчилар яқин келажакда жаҳон бозорига чиқишни кўзлаб туришибди. Бунинг учун корхонада барча имкониятлар мавжуд.**

## СУД ВА ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида мазкур муассаса билан Конрад Аденауэр жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия вазирлиги, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистонда суд ва ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш" мавзуидаги туркум семинарларнинг қўшма амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Бир йил давомида мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўтказиладиган семинарларда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, суд-ҳуқуқ соҳасида изланишлар ўтказаётган олим ва мутахассислар, шунингдек, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши кўзда тутилган. Қатнашчилар мамлакатимизнинг суд ва ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар борасида ўз мулоҳазаларини айтиш ва мутахассислар билан фикрлашиш имкониятига эга бўлади. Энг фаол иштирокчилар шу йилнинг декабрь ойида ўтказиладиган якуний конференцияга таклиф этилади.

Қўшма амалий конференцияда 2001 йилда мамлакатимизнинг ҳуқуқ тизимида туб ўзгаришлар юз бергани, қонунчиликни эркинлаштириш,суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш борасида муҳим қадамлар ташлангани таъкидланди. Шунингдек, иштирокчилар суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, белгиланган режаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини ҳамда қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини назорат қилиш борасида амалга оширилиши мумкин бўлган ишлар хусусида фикр алмашди.

**(ЎзА).**

## ЯПОНИЯ — ЎЗБЕК МАКТАБИГА

Ўн йил аввал қишлоқ мактабидаги ўзбек ўқувчилари энг замонавий компьютерлар ва ускуналарда ишлашни ўрганишини, уларга дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳукуматларидан, жумладан Япониядан тикув машиналари, жиҳозлар ва адабиётлар тақдим этилишини хаёлимизга ҳам келтира олмас эдик. Қибрайлик ўқувчиларда мамлакатимиз мустақиллиги, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг таълим ва тарбия соҳасига доимий эътибори, бу борадаги туб ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши туфайли бундай имкониятлар пайдо бўлди.

Пойтахт вилоятининг Қибрай туманида Ўктам Усмонов номидаги 16-ўрта мактабнинг таъмирдан кейинги очилиш маросими ўтказилди. Таъмирлаш ишлари Япония ҳукуматининг кўмагида амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили Тошкентда улар икки мингга яқин ўқувчилар таълим оладиган бу мактабга умумий қиймати 151 минг АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатиш бўйича иккита грант-шартнома имзолаган эди.

— Япония Ўзбекистондан анча олисда, аммо бизнинг умумий жиҳатларимиз кўп, — деди очилиш маросимида Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним. — Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан кўп асрлар аввал пайдо бўлган. Буюк Ипак йўли даврида мавжуд бўлган дўстлик алоқалари қайта тикланаётгани ва мустаҳкамланаётгани мени жуда хурсанд қилмоқда. Ўзбекистон раҳбариятига ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашга катта эътибор қаратаётгани учун миннатдорлик изҳор этишни истар эдим. Келажакда биз таълим соҳасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашни, бу йўналишдаги лойиҳаларни молиялашни давом эттирамиз.

**З.УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат...*

## «КАТТА ОҒА»ЛАРГА МУҲТОЖ ЭМАСМИЗ

*Оғизға келганни демак нодон иши ва оллиға келганни емак ҳайвон иши.*

**Алишер НАВОЙИЙ.**

Кейинги кунларда Россиянинг айрим оммавий ахборот воситаларида безовталаниш кузатилмоқда. Безовталик Марказий Осиёда АҚШ ҳарбийларининг ушланиб қолганлиги билан изоҳланмоқда. «АҚШ Осиёда. Бу — жиддий», «Марказий Осиёдаги янги платцдармлар», «Америкаликларнинг ушланмаслигини сўраймиз», «Тез кунларда АҚШ Россияга Ўрта Осиёдан чиқиб кетишни таклиф қилади». Ҳатто мақолаларнинг сарлавҳалари ҳам уларда кўтарилган ваҳимали хабарлар ҳақида жар солмоқда. Мазмунан саёз бу мақолалар аслида жиддий таҳлилга арзигулик эмас. Боз устига, баъзида ўз давлати билан ҳам «чиқиша олмайдиган» ўша қаламкашлардан ўпкаламасак ҳам бўларди. Бироқ бизни ташвишга солаётган нарса бошқа. Шундай гап бор: «Ҳар қандай пуч ғоя, уйдирма қайта-қайта такрорланса — «ҳақиқат» тайёр бўлади, одамлар унга чиппа-чин ишонадилар». Оммавий ахборот воситаларининг ана шундай таъсир кучини яхши билганимиздан ва бу каби кинояли, заҳарханда, жўрттага янглиш хабар тарқатувчи чиқишлар аччиғимизни чиқарганидан қўлимизга қалам олдик.

Эмишки, Афғонистондаги аксилтеррор операцияси тугаган бўлса-да, АҚШ ҳарбийлари бу минтақани тарк этишга шошилмаётир. Эмишки, «Бундан буён Марказий Осиё давлатлари Москванинг эмас, Вашингтоннинг ноғорасига ўйнайдилар» (Михаил Ростовский, «Биз бой берган Қозоғистон?», «Московский комсомолец», 18.01.2002). Эмишки, «Россия Марказий Осиёда таъсир доираларини бўлишиб олишга розилик билдириб, Тожикистонда ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга бўлибди» (Павел Мартинов, «АҚШ Осиёда — бу жиддий», GazetaSNG, 18.01.2002). Савол туғилади. Бу каби куракда турмас хабарларни тарқатиб ўша журналистлар нимага эришмоқчи? Бу уйдирмаларнинг ортида қандай манфаатлар яширинган? Бундай информацион ҳуружларнинг сабабини бир-икки оғиз гап билан изоҳлаш масалага юзаки ёндошиш бўларди, албатта.

Аввало, ҳар бир давлатнинг суверенитетини ҳурмат қиладиган Россиянинг расмий доиралари, соғлом фикрловчи кучлари билан Марказий Осиёга ёмон кўз билан қараётган кимсаларни ажратиб олишимиз зарур. 11 сентябрь воқеаларидан кейинги безовталикнинг йўқолиб боришидан улар қаттиқ ташвишга тушаётганликларини яшира олмаяптилар. Америкаликлар, европаликлар, Марказий Осиё халқлари ва жафокаш афғонларнинг тинч ухлаётгани айрим журналистларнинг уйқусини қочирди, чамаси. Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганлари шу бўлса керак. Шундай тоифа журналистлар борки, тинчлик — уларнинг душмани, барқарорликни кўрарга кўзлари йўқ, сокинлик билан ҳеч чиқиша олмайдилар, осуда қаётга фожеа деб қарайдилар. Бундай «тадбиркор» журналистлар омма эътиборини тортиш учун нималарга қўл урмайдилар. Тан олиш керак, орамизда шов-шувга, миш-мишларга ташна, ўта кескин нуқтаи назарларга, салбий оҳангга эга хабарларга ўч кишилар йўқ эмас. Бундан усталик билан фойдаланадиган журналистларга осуда, бир текис ҳаётда «ҳаво етишмайди», ижодлари тўхтаб қолади. Табиийки, бу журналистлар шов-шувга асос бўлмаса, уни ўзлари ўйлаб топадилар. Уларнинг бундай «тафаккур маҳсули» уйдирма деб аталишини яхши биламиз. Юқорида келтирилган ижод намуналари ҳам уйдирмадан бўлак нарса эмас.

**(Давоми 2-бетда).**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

**● Туркия ҳукумати 15 февраль куни Афғонистондаги халқаро тинчликпарвар кучлари сафига 261 ҳарбий аскарини юборишни режалаштирмоқда.**

**● АҚШнинг Гуантанамо (Куба)да жойлашган ҳарбий денгиз базасига «Ал-қоида» экстремистик гуруҳи ва «Толибон» ҳаракатига қарашли асирларнинг янги гуруҳи олиб келинди. Шу кунга қадар у ерда 158 нафар асир бор эди.**

**● Жаҳон банки СПИДга қарши курашиш учун Африка давлатларига 500 миллион АҚШ доллари ажратишга қарор қилди. Мутахассисларнинг фикрича, минтақага бу касаллик жиддий хавф солмоқда.**

**● Покистон президенти Парвез Мушарраф кеча Америка Қўшма Штатларига келди. Унинг АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашуви режалаштирилган.**

**● Чукоткада кучли совуқ туфайли барча ўқув юртларида машғулотлар тўхтатилган. Округ фавқулодда вазиятлар бошқармаси хабарига кўра, кечаси ҳаво ҳарорати 60 даражагача пасаймоқда.**

**● Бразилиянинг Минас, Жерайс, Байл штатларида сурункали ёмғир ёғиши натижасида 22 киши ҳалок бўлган, минглаб одамлар бошпанасиз қолган.**

**● Конгода ҳам юз берган довул натижасида 19 киши ҳалок бўлган. Мамлакат пойтахти Гомадан 190 километр жанубда жойлашган Увир шаҳрида бу табиий офат 400 дан ортиқ кишининг бошпанасиз қолишига сабаб бўлган.**

# ТАЖРИБАДА ГАП КЎП

**Нишонбой Топилов Чортоқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида қарийб 50 йил давомида бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Мамлакатимизда 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганидан бағоят хурсанд бўлган ота, гарчи ҳозир пенсияда бўлса-да, тенгқурларини ёнига олиб, жамоа ёшлари онгига ўзининг билим ва тажрибасини сингдирмоқда. Тажрибада гап кўп-да, ёшлар шу асосда иш юритганлари туфайли қисқа муддатда кузги-қишки юмушлар ниҳоясига етказилди, техника воситалари эса мавсумга шайлаб қўйилди. Бошқача айтганда, жорий йилда ширкат хўжалигида 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта, 585 гектар ердан гектар ҳисобига 50 центнердан ғалла етиштириш учун пухта замин яратилди.**



*СУРАТДА: Нишонбой ота Топилов марказий устахона ишчилари билан суҳбатлашмоқда.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# МОНОПОЛИЯЛАР НЕГА ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

Республикамиз иқтисодиётини эркинлаштиришнинг муҳим бир йўналиши — рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш, монополиялар деб аталадиган, иқтисодиётда яккаҳукмронлик мавқеига эга бўлган корхоналарнинг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва улар ўртасида эркин рақобат муҳитини шакллантиришдан иборатдир. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, **«товарлар (ишлар ва хизматлар) бозорида рақобат муҳитини яратиш ва монополиядан чиқариш билан боғлиқ масалалар ечимини якунига етказиш зарур. Биз учун бу масала кун сайин янада кўпроқ долзарблик касб этмоқда, чунки уларни ҳал қилмасдан туриб, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини таъминлаб бўлмайди».**

## Эркинлаштириш — давр талаби

Модомики, сўз «монополия» устида кетаётган экан, энди бу тушунча ва у билан боғлиқ бўлган «табиий ва сунъий монополия» ибораларининг маъносини бироз бўлса-да ойдинлаштирайлик. «Монополия» — юнонча «монос» — битта (ягона), танҳо ва «полео» — сотиш, деган икки сўзнинг бирикмасидан ҳосил бўлган бўлиб, бозорда ёки ишлаб чиқаришда яккаҳукмронликни англатади. Яъни монополия бор жойда — бозорда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам яккаҳукмронлик қарор топади, бозорда савдолашишга ўрин қолмайди. Монополистнинг маҳсулотини, у сифатлими, сифатсизми, бундан қатъи назар, харид қилишга мажбурсиз. Бунинг устига, товар(маҳсулот)га нархни ҳам унинг ўзи жорий этади. Шунинг учун ҳам барча давлатларда монополизмга ҳушёрлик билан қаралади ва давлат томонидан унинг фаолияти аҳоли ва бозор эркинлиги манфаатларидан келиб чиқиб тартибга солиб борилади.

Бозор ва ишлаб чиқариш шароитида монополистлар, юқорида эслатганимиздай, икки хил бўлади. Улардан бири сунъий, иккинчиси табиий монополиядир.

Сунъий монополия давлат томонидан вужудга келтирилади, бироқ унинг мавқеи қонуний ҳужжатлар билан белгиланади. Кимё саноати бунга мисол бўла олади.

Табиий монополия давлат ва қонунларга боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади. Масалан, нефть, газ, энергетика манбалари табиий монополия асосларидир.

Табиий ва сунъий монополиялар фаолиятига муносабатда Ўзбекистонда жаҳондаги илғор тажрибаларга таянилади, яъни уларга, энг аввало, иқтисодиётнинг муҳим бир қисми, деб қаралади. Бундай қараш эса уларни ривожлантириш, айни пайтда, фаолиятини давлат йўли билан тартибга солиб боришни тақозо этади.

Республикамизда нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали узатиш, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш, темир йўлларда ташиш, умумий эркин фойдаланиладиган электр ва почта алоқаси хизматлари, сув қувурлари ва канализация хизматлари, аэропортлар хизмати табиий монополия соҳалари сифатида тан олиниб, давлат томонидан тартибга солиниши қонун билан белгилаб қўйилган.

Мазкур табиий монополия соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, улар кўрсатаётган хизматлар мамлакатимиз макроиқтисодий кўрсаткичларининг асосий негизини ташкил этади. Республикамизнинг кейинги йиллардаги иқтисодий ўсишида ва бевосита макроиқтисодий барқарорликка эришишда айнан ана шу табиий монополия субъектларида тайёрланган маҳсулотлар, улар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг улуши ниҳоятда катта бўлди.

Шу боис, жаҳондаги молиявий танглик ҳолатлари республикамиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишига қарамай, 1996-2001 йилларда иқтисодий ўсиш таъминланганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 1996 йилда 1,7 фоизни, 1997 йилда 5,2 фоизни, 1998 йилда 4,3 фоизни, 1999 йилда 4,3 фоизни, 2000 йилда 4,0 фоизни, 2001 йилда 4,5 фоизни ташкил этгани фикримизнинг далилидир.

Айниқса, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида табиий монополия (саноат) соҳаси бўлган энергетика, нефть, газ ишлаб чиқариш соҳасида аниқ ижобий силжишлар кўзга ташланди, уларнинг 1991-1995 йиллардаги пасайиши ҳолати тўхтатилиб, бу соҳадаги ишлаб чиқариш ҳажми кўпая бошлади. Ҳолбуки, шу даврда Россия ва Украинада саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши 48 фоизни, Қозоғистонда 51 фоизни ва МДҲ бўйича ўрта ҳисобда 50 фоизни ташкил қилди. Худди шунингдек, 1990-1998 йилларда Ҳамдўстликнинг кўпчилик мамлакатларида нефть-газ саноатида ишлаб чиқариш суръатлари ва натурал ҳажмлари камайган бир пайтда Ўзбекистонда нефть ва газ конденсати қазиб олиш 2,9 баробар, газ қазиб олиш 1.35 баробар кўпайди. Таъминот масаласида ҳам юксалишни кузатамиз. 1990 йилда Ўзбекистоннинг ўз нефти билан таъминланиши атиги 28 фоизни ташкил қилган (яъни республика ўзига керакли нефтнинг 72 фоизини четдан келтиришга мажбур бўлган) бўлса, 1995 йилда нефтни ва нефть маҳсулотларини экспорт қилиш ҳатто 3.3 баробар ортди. Бу эса шу соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

Табиий монополиялар соҳасидаги иқтисодий ислоҳотлар соҳада рақобатни шакллантириш билан бирга, ўз навбатида бозор муҳитини яратиш, унга мослашиш имкониятларини ҳам вужудга келтирмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг февралида ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекэнерго» давлат-акциянерлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Бу ҳужжатга биноан, собиқ Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тизими ислоҳ қилиниб, унинг корхоналари фаолияти соддалаштирилди, ҳар бир фаолият бўйича бозор иқтисодиётига мос келувчи мустақил корхоналар тузилди, ишлаб чиқариш йўналиши транспорт ва тақсимлаш фаолиятидан ажратилди, қурилиш, таъмирлаш каби ёрдамчи хўжаликларнинг фаолият турлари эса рақобат тамойиллари асосида мустақил ишлашга ўтказилди.

Кўриниб турибдики, давлатнинг табиий монополиялар соҳасини тартибга солиши, бир томондан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига нисбатан уларнинг ўз устун мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олса, иккинчи томондан, жамиятнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш имконини беради.

**Боймурод УЛАШОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

# «КАТТА ОҒА»ЛАРГА МУҲТОЖ ЭМАСМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Одатда оммавий ахборот воситаларига холис ахборот тарқатиш, маърифат улашиш ва кўнгил очиш каби вазифалар юкланади. Бироқ юқоридаги каби чиқишлари билан бу журналистлар қайси вазифани адо этаётганликлари кўпчилик учун жумбоқ бўлиб қолмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, эътиборни тортиш учун тўқиб чиқарилган нарсани холис ахборот деб бўладими? Бу каби ваҳимали уйдирмалар кишининг кўнглини очишга хизмат қилмаса керак, ҳар ҳолда? Маърифат улашиш вазифасига келадиган бўлсак, бундай хабарлар бериб улар кимни тарбияламоқчи? Ўтакетган миллатчиларними ёки империяча фикрлайдиган шовинистларними? Инсон қалбининг созловчилари деган жарангдор ном соҳиблари киши қалбини нимага созлаяптилар? Ахборотлашган жамият охир-оқибат информацион фашизмга ҳам олиб келиши мумкинлигидан хавотир қилган олимларнинг гапида жон бор шекилли.

Инсон онгу тафаккурининг жуда секинлик билан ўзгариши бу каби информацион хуружларни тушунтириш учун яна бир асос бўлиши мумкин. Бугун ўзини эркин журналист деб билган, куни-кеча қуруқликнинг 1/6 қисмида ястаниб ётган ёвузлик империясининг маддоҳлари бир уйғониб, ўз қарашларини 180 даражага ўзгартира олишларига ишониш қийин. Ҳали-ҳануз империяча фикрлаш қобиғидан чиқа олмаган бу журналистларга ҳудудий даъволарини яшира олмаётган айрим ҳарбийлар ҳам жўр бўлаётганлиги кишини ўйлантиради. Уларни бирлаштираётган, яқинлаштираётган нарса нима? Салтанати қулагач, 5 миллион квадрат километр ҳудуд йўқотилганлигини, чегараларининг шимол ва шарққа қараб сурилганлигини бу кимсалар асабийлик билан қаршиламоқдалар. СССРнинг парчаланишини ҳалокат деб билганлар суверен республикаларнинг мустақил одимларига фожеа сифатида қарамоқдалар. Савол туғилади. Бир вақтлар Ўрта Осиё давлатларига «Москванинг дотациясида ўтирадиган боқиманда, текинхўр» деб қараган ва улардан халос бўлишни таклиф этган Россиянинг айрим зиёлилари бугун нега жим? Минтақада таъсир доирасини кенгайтириш илинжида юрганларнинг жавобини аслида ўша зиёлилар бериши керак эмасми? Ёки мустамлакачилик оқибатида бутун кучи сўриб олинган мамлакатимизнинг бугун оёққа туриб, жаҳоннинг назарига тушгани уларни шошилтириб қўйдими?

Икки қутбли дунё шароитида катта таъсирга эга бўлган айрим ҳарбийлар ҳозирги тинчлик шароитида зерикиб қолган кўринади. Уларнинг ахборотдан ҳарбий снарядлар ўрнида фойдаланаётганини яна қандай изоҳлаш мумкин? Охирги пайтларда информацион хуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол — ахборотдир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган информацион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи у дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг кўпорувчилик кучи, келтирадиган талофотлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролиникидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Аслида ахборот мақсадга эришишнинг энг арзон воситаси ҳам саналади. Ҳақиқатан ҳам, информацион хуружлар уюштириш учун у қадар кўп меҳнат, у қадар кўп ҳаракат, у қадар кўп харажат талаб этилмайди. Гарчи бундай мафкуравий экспансия отишмалар ва қон тўкишларни келтириб чиқармаса-да, миллий ўзликни англашни заифлаштириш эвазига таназзулга олиб келади.

Ачинарлиси, информацион хуруждан қочиб қутулиб бўлмайди. Айниқса, информацион уруш технологияларининг кейинги пайтларда ўзига хос «мода»га айланаётганлиги ташвишланарлидир. Масалан, Самара Давлат медицина институтининг Интернетдаги саҳифасида информацион-психологик уруш олиб бориш бўйича махсус курснинг ўқув режаси берилган. Унда инсонга таъсир ўтказишнинг салбий шакллари — даҳшат уйғотиш, руҳан чўктириш, тажовузкор кайфиятларни қўзғаш, хавотир туғдириш бўйича тавсиялар берилган. Бўлажак тиббиёт ходимларига бундай «билимлар» нима учун кераклигини ўйлаб ўйингга етолмайсан киши. Бундай ҳолат ахборот хавфсизлиги ҳақида жиддий ўйланадиган фурсат етганлигини кўрсатади.

Аслида бундай хавф мавжудлиги ҳақида Ўзбекистон раҳбари анча илгари бонг урган эди. Президентимиз И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмагани ҳақида, унинг мустақиллигимизга таҳдиди тўғрисида огоҳлантирган эдилар. Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай информацион кўпорувчиликдан мақсад — мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилишдан иборат.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидаги баъзи фикрлар ҳам бугунги хуружларнинг мақсадини ойдинлаштиради. Ушбу рисолада айтилишича, геополитик мақсадлар — давлатнинг ўзга ҳудудларда ўз мавқеи ва таъсирини кучайтиришга қаратилган сиёсатдир. Очиғи, бу таъриф Россиядаги айрим оммавий ахборот воситаларининг фаолияти нимага йўналтирилганлигини фош этиб қўймоқда. Бир вақтлар ярим дунёни қўл остида ушлаб турган Буюк Темурнинг авлодлари эканлигимиз билан қанчалар фахрлансак-да, биз Темур империясини тиклаш даъвоси билан чиқмаймиз. Чунки донишмандлиги билан донг таратган ўзбеклар бундай гапларни ўзларига эп кўрмайдилар. Ҳали-ҳануз XIX аср андозаларида фикрлаётган айрим «катта оғалар» мулоҳазакорликни ўзбеклардан ўргансалар бўлар экан.

Тан олиш керак, ҳозирги кунда Марказий Осиёда кўп давлатлар манфаатларининг катта тугуни боғланган. Афғонистонда тинчликнинг ўрнатилиши нафақат минтақада, балки ундан анча олис давлатларда ҳам хавфсизликни кафолатлаши ортиқча изоҳга муҳтож эмас. Шу боис, Афғонистонда тинчликнинг сақланишидан курраи замин, бутун жаҳон аҳли манфаатдор. Бироқ АҚШ ҳарбийларининг Марказий Осиёда ушланиб қолаётганидан безовталанаётган кимсалар ўз манфаатларини аниқлаштириб олсалар бўларди. Улар минтақада терроризмнинг гуллаб-яшнаши ва унинг Россияга ҳам таҳдид солишидан манфаатдормилар ёки бу балога мустаҳкам қалқон бўла оладиган давлатлар билан чегарадош бўлишданми? Наҳотки, ўша қаламкашлар ўз «ижод»ларининг тинчликсевар Россия манфаатларига, дунё аҳли манфаатларига зиён етказиб қўйишидан хавотирга тушмасалар? Эркинликни ўзибўларчилик деб, демократияни масъулиятсизлик деб, мустақилликни жавобгарликдан мустақиллик тарзида тушунаётган бундай журналистларнинг тўртинчи ҳокимиятни обрўсизлантираётгани ачинарли ҳол. Ўз касбининг устаси сифатида танилган журналистларнинг панасида юрган бундай ғаламисларни осон ажратиб олиш мумкин. Нафақат мустақил давлатлар суверенитетини менсимаслиги, балки ўз давлатининг манфаатларига писандсизлиги ҳам уларни фош этиб қўяди.

Оқу-қорани таниган халқимиз эркинлик ниқоби остидаги гегемонизмни ҳам кўра олади. Шу боис, бу «устомон» журналистларнинг жамият ишончини суистеъмол қилиш билан боғлиқ барча ҳаракатлари зое кетаверади. Бироқ хотираси ёмон бу журналистларга мустақилликка эришганимизга 10 йил тўлганини вақти-вақти билан эслатиб туриш керак, чоғи. Бу ҳақда гапириш, буни такрорлаш бизга фақат севинч бағишлагани боис, биз бу ишни бажонидил бажарамиз.

Навоий бобомизнинг сўзбоши ўрнидаги ҳикматлари мағзини чақиш баъзи калтабин журналистлар учун оғирлик қилар деган мулоҳазага бориб, мақолани буюк рус адиби Лев Толстойнинг мушоҳадалари билан тугатамиз: ***«Сўз — буюк нарса. Шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одамларни бирлаштириш, сўз орқали уларни бир-бирлари билан юзкўрмас қилиб юбориш мумкин, сўз билан меҳр қозониш, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларни бир-биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан».***

**Нигора УМАРОВА,**
**сиёсий фанлар номзоди.**

# МУЗХОНАГА АЙЛАНГАН МАКТАБЛАР

## Ажаб савдолар

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат ўзининг салмоқли самарасини бермоқда. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳаётга дадил жорий этилмоқда. Кунда-кунора мамлакатимизнинг бирор ҳудудида янги мактаб, лицей ёки коллеж қурилиб, фойдаланишга топширилгани ҳақида хушхабар тарқалади. Хориждан келган мутахассислар мамлакатимизда таълим соҳасида эришаётган ютуқларимизни эътироф этибгина қолмасдан, бу муваффақиятларимизнинг омилларини синчковлик билан ўрганмоқда.

Ўзбек ёшлари хориждаги манаман деган олий ўқув юртларида аъло баҳоларга ўқиётгани, тиришқоқлик ва билимга чанқоқликда ўз тенгқурларидан кам эмаслиги ҳақида ҳам ўша хорижликларнинг ўзлари тўлқинланиб гапиришади. Бундай гапларни телевидение ёки радиодан эшитганда, газеталардан ўқиганда ҳар бир юртдошимизнинг кўнгли фахрга тўлиши табиий. Бундай ёшлар орасида чироқчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин яқин келажакда уларнинг сони ошишига шубҳамиз бор...

16 январь куни Чироқчи тумани Кўкдала қишлоғи марказидаги Абдураҳмон Жомий, Бободўст Шукуров номидаги мактаблар ҳамда 4-лицей-интернатда бўлдик. Афсуски, айни дарслар қизғин паллага кирадиган пайтда бу таълим даргоҳлари ҳувиллаб ётибди — ҳеч ким йўқ. Эшиклар қулф. Ўқувчиларнинг жарангдор кулгиси, қадам товушлари эшитилиб турмаса, мактабдан хунук жой бўлмас экан. Суриштирсак, мазкур илм даргоҳларидаги синфхоналар қишда иситиламаётгани учун санитария-эпидемиология станцияси ходимлари томонидан ёпиб қўйилибди...

Шу тумандаги Б.Шукуров номидаги 112-мактабнинг аҳволини кўриб, айниқса, дилингиз жуда вайрон бўлади. Мактаб деразаларининг бирортасида бутун ойна йўқ. Синиқ эшиклар кўнгилга ваҳима солади. Бир вақтлар "Кўкдала" қишлоғининг кўрки, ўқувчиларнинг ифтихори бўлган икки қаватли мактаб биноси эндиликда қаровсиз бўлиб ётибди. Бир неча йил бурун вилоятнинг энг илғор мактаблари сафида бўлган, эндиликда "музхона"га айланган бу жойда қишнинг аёзли кунларида 850 нафар ўқувчига қандай таълим-тарбия берилаётганини тасаввур этиш қийин.

22 январь куни "Чорвадор" хўжалигидаги 145-мактабда ҳам айни манзарага гувоҳ бўлдик. Синфлар бўм-бўш. Мактаб ҳовлисида коптоқ тепиб юрган беш-ўн болани айтмаса, атроф сув сепгандек жим-жит. Шу куни 2-синфга уч, 1-синфга тўрт, 3-синфга етти, 4-синфга 13, 6-синфга икки, 9-синфга тўққиз ўқувчи келган экан, холос. 230 нафар ўқувчи таълим оладиган бу мактабда атиги 40-50 нафар ўқувчи дарсларга қатнамоқда. Ўқитувчилар эса гўё бундан хурсанд — бир жойга йиғилиб, ташқарида чақчақлашиб ўтиришибди.

147-мактабнинг Тошли қишлоғидаги бўлимида атиги тўққизта синфхона бор. Лекин камсонли аҳоли учун шунинг ўзи етарли, деб ўйлаш хато. Зотан, кичкинагина мактабнинг бешта синфхонасида на эшик, на дераза бор. Болалар эса мактабга келишни канда қилмайди. Ҳолбуки, бу мактабда ҳам қишнинг қорли-қировли кунларида печка ёқиш, оддий инсоний бир шароит яратиш маҳаллий раҳбарларнинг эсига ҳам келмаган.

Чироқчи туман халқ таълими бўлимининг Кўкдаладаги назорат маркази раҳбари Х.Каримовнинг айтишича, тумандаги 200 дан ортиқ мактабнинг элликка яқини Кўкдалада жойлашган. Лекин шунча илм даргоҳининг бор-йўғи саккизтасигагина қишда иситиш учун кўмир берилар экан. Бундай "саховат"нинг сабаби ҳам оддий — бу мактаблар темир йўлга яқинроқ жойлашган.

Кўмир билан "таъминланган" мактабларга ҳам бордик. Амин Умарий номидаги 120-мактабда болалар совуқдан қалтираб ўтирибди. Мактаб директори Эшқувват Назаров қиш учун ўн тонна кўмир олингани, ҳозир синфхоналар кечаю-кундуз иситилаётганини таъкидлади. Лекин болалар алдамайди, улар қиш бошлангандан буён бор-йўғи икки-уч марта печка ёқилганини эслади, холос.

Пахталисой қишлоғидаги Парда Турсун номидаги 132-мактабнинг хўжалик ишлари мудири Очил Жонтемиров эса қишга 14 тонна кўмир олишганини айтди, лекин ёқилғининг ўзини ҳам, ҳужжатини ҳам кўрсата олмади. Синфхоналар эса одатдагидек жуда совуқ.

167-ўрта мактабнинг хўжалик ишлари мудири Нуриддин Бўриевнинг гапларини эшитган киши ёқасини ушлаши тайин:

— Қиш олдида мактабимизга 4 тонна 800 килограмм кўмир тушириб олдик. Лекин у ҳужжатларда 40 тонна деб расмийлаштирилган экан. Мен бу ҳақда туман ҳокимлигига 22 декабрда хат берганман. Ҳалигача хатимга жавоб йўқ. Ҳозир мактаб умуман иситилмаяпти. Лекин гап фақат кўмирдами? Мактабимизда икки йилдан буён электр йўқ. XXI асрда электрсиз сабоқ берилаётган мактабнинг аҳволини энди ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Ўқувчиларимиз компьютер эмас, оддийгина электр чироқ орзусида яшайди...

Яқинда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши сессиясида вилоят ҳокими Бахтиёр Ҳамидов не машаққатлар билан топилган маблағ эвазига мактабларни иситиш учун кўмир олиб келингани, аммо айрим қўли эгри раҳбарлар уни сотиб юбораётгани ҳақида куюниб гапирган эди. Чироқчи туманида кўрганларимиз ҳокимнинг гапларининг тасдиғи бўлиб чиқди. Афсуски, бундай кўнгилсиз манзарани вилоятнинг бошқа туманларидаги мактабларда ҳам кўп кўриш мумкин.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Газетада босилмади, аммо...

# КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

**Ургут туманидаги "Самарқанд" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи М.Исломов бизга йўллаган мактубида ўзи яшайдиган қишлоқда электр энергияси ҳамда газ таъминотидаги узилишлар ҳақида тегишли идораларга мурожаат этилгани, бироқ фойдаси бўлмагани ҳақида куйиниб ёзганди.**

**Ушбу хат текшириш ва чора кўриш учун Ургут тумани ҳокимлигига жўнатилди. Шикоят юзасидан туман ҳокими Х.Нуруллаев имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:**

*"Шикоят хатида келтирилган камчиликлар атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам электр энергияси ва газ таъминотида узилишлар бор. Лекин бу ўринда мавжуд аҳволга ўша жойда истиқомат қилувчи айрим кишилар ҳам айбдор эканлигини айтиб ўтиш лозим. Негаки, тегишли коммунал тўловлар ўз вақтида тўланмайди.*

*Ҳозирда муаммолар ўз ечимини топди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.*

*Электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш бўйича қилинган ишлардан хат муаллифи қониқиш ҳосил қилганлигини билдирди".*

## Хат таҳрирсиз берилмоқда



# КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАРИМ

«Халқ сўзи» анкетасига келган жавоблардан андижонлик кутубхоначининг хатини эълон қилаяпмиз

***Ҳурматли таҳририят ходимлари, «Газетхон истаги» номли анкета саволларингизга қуйидагича жавоб йўлламоқдаман.***

***1.Қисқа қилиб айтганда, озод ва обод Ватан қуриш йўлидаги интилишларимиз, саъй-ҳаракатларимизга биринчи навбатда Президентимизнинг ёшларга бераётган эътибори омил бўлаяпти деб ўйлайман. Бизнинг янада ривожланишимизга халақит бераётган унсур ўз мустақил фикрига эга бўлмаган, маънан қашшоқ одамлардир. Бундай кимсалардан халос бўлиш учун Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари бир тану бир жон бўлиб курашмоғимиз даркор.***

***2. Албатта, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда обрў-эътибори кундан кунга ортиб бормоқда. Бунинг боиси давлат раҳбарининг келажакни олдиндан кўра олганида деб ўйлайман. Шу ўринда И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини эслаш жоиздир.***

***Мен ишлаётган ташкилот туман марказий кутубхонасидир. Кутубхоначиларимиз туманимиз аҳолисини маданий ва маънавий билим даражасини оширишга хизмат қилади. Ўз навбатида кенг халқ оммасини республикамиз ижтимоий-сиёсий мавқеи қай даражада кўтарилаётганини тарғиб қилади.***

***3. Мен кутубхоначи бўлганлигим учун кўпроқ газета саҳифасида берилган ижтимоий-сиёсий материалларга эътиборимни қаратаман. Шу ўринда эътирозим — кутубхоналар фаолиятига ҳамда уларга бошчилик қилаётган раҳбариятнинг маънавиятга эътибори масаласида ҳаққоний, рўй-рост мақолалар берилишини истардим.***

***4. Мен газета саҳифаларида ривожланган давлатларнинг юксак даражага кўтарилишида ҳисса қўшган иқтисодчи ва сиёсатчи шахслар ҳақида билишни хоҳлайман.***

***5. «Замонамиз қаҳрамонлари» деганда, бугунги тинч фаровон ҳаётимизда дастурхонимизга нон ва турли нознеъматлар етиштириб бераётган деҳқонни, мукаммал машиналар ёнида ишлаётган ёшларни, шундай замонда юртимиз тинч-тотувлигини сақлаб турган давлат раҳбарини тушунаман.***

***Қишлоғимизда 12 фарзанднинг онаси Гулсара опа Имонбоева тадбиркор, оқила аёл. Гулсара опа барча фарзандларини эл ишига камарбаста қилиб тарбиялаб, олий ўқув юртларида ўқитиб келмоқда. Аянинг уч қизи ёшларга тарбия берса, икки қизи тиббиёт соҳасида ишлайди.***

***6. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз ҳамда ёш авлод онгига сингдиришнинг бош омили бу — қарияларни қадрлашдан бошлашимиздир. Чунки халқимизда «отанг ўтирган уйнинг томига чиқма» деган нақл ёшларни катталарга бўлган ҳурмат ва иззат даражасини белгилайди. Ҳозирги кунда XXI аср техника асри бўлади, деб умид қилаяпмиз, лекин ёшларимизни ўтмишсиз миллий истиқлол руҳида тарбиялаб бўлмайди. Шу ўринда мен яна Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», деган даъватини эсга оламан.***

***7. Албатта, республикамизнинг турли чекка қишлоқларида биз билмаган фидойи инсонлар кўп. Лекин барча соҳадаги олиму-фузало, ишчию хизматчи, фан номзоди-ю, докторнинг меҳрибон жонкуяр устози бўлади. Шундай экан, ёш авлодни тарбиялаб, ҳаёт деб аталмиш катта йўлга қадам қўйишда ҳисса қўшган, ҳозирда қарилик гаштини суриб, шогирдлари иқболидан мамнун устозлар ҳақида материаллар берилса яхши бўларди.***

***Мен Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги туман марказий кутубхонасида 16 йилдан буён ишлайман. Найман қишлоғидан туман марказига қатнаб ишлайман. Ёшим 34 да.***

**Муборак ИСОҚОВА.**

# «Айладим ул мамлакатни яккалам»

**Алишер Навоий шеъриятида ранглар билан боғлиқ тимсоллар ва рамзларга тез-тез дуч келамиз. Айниқса, қизил, сариқ, яшил рангларга мурожаат кўп. Шу маънода, шоирнинг "қизил, сориғ, ёшил" радифли ғазали диққатга сазовор. Мазкур ғазал Ҳамид Сулаймон томонидан нашрга тайёрланган "Хазойин ул-маоний"нинг "Фавойид ул-кибар" девонида бор. Аммо у негадир 1968 йили нашр этилган 15 жилдли Навоий асарлари мажмуасига кирмай қолган. Келинг, бу гўзал ғазални биргаликда ўқийлик:**

*Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, ёшил,*
*Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, ёшил.*

*Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,*
*Ким эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориғ, ёшил.*

*Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидин*
*Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сориғ, ёшил.*

*Оразу холинг била хаттинг хаёлидин эрур*
*Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориғ, ёшил.*

*Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабзада,*
*Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ, ёшил.*

*Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валек*
*Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориғ, ёшил.*

*Эй, Навоий, олтину шингарфу зангор истама,*
*Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, ёшил.*

Бу ғазални шарҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Кўриниб турибдики, шоир ана шу уч ранг воситасида гўзал манзаралар яратади, ўй ва туйғу жилоларини ёркин ифодалайди. Ғазал ўқувчида лирик кайфият уйғотади, нодир тимсоллар эса завқ-шавқ бахш этади.

Хўш, нега шоир айнан шу рангларни тавсифлаяпти, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун туркий халқлар тарихига бир назар ташлаш лозим бўлади. Солномалар ва ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, бу ранглар Кўк турк хоқонлигидан буён кенг қўлланиб келинган. Асрлар давомида бу ранглар халқ қўшиқларига, мақолларга, аллаларга ҳам мавзу бўлган. Тарихда барпо бўлган кўплаб туркий давлатларнинг байроқлари, туғлари, кийимлари, гиламларида ана шу ранглар албатта акс этган.

1935 йилда Олтойда олиб борилган археологик қазиш жараёнида VII-XI асрларда яшаган туркий аслзодаларнинг қабрлари очилди. Жасадларга яшил, сариқ ва қирмизи рангли ипак матодан кийимлар кийдирилганлиги аниқланди. Қадимшуносларнинг таъкидлашича, туркий халқларда бу уч ранг миллий бўлиш билан бирга, диний аҳамиятга ҳам эга бўлган.

Маҳмуд Қошғарий ўзининг "Девони луғатит турк" асарида XI асрда бозорларда Чин ипак матоларининг 11 хили мавжудлигини айтар экан, сариқ, қизил ва яшил рангли шойиларни алоҳида таъкидлайди. Олим Боқижон Тўхлиевнинг ёзишича, Юсуф Хос Ҳожиб ҳам "Қутадғу билиг"да қизил, яшил рангларга алоҳида эътибор беради, уларни турли маъноларда қўллайди.

## «ДЕВОН ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЁШИЛ...»

XII асрда яшаган Эрон тарихчиси Абдулжалил Қазвиний Салжуқийлар салтанатининг байроғи ҳам сариқ, қизил, яшил рангларда бўлганлигини қайд этиб, шундай ёзади: "Салжуқийларнинг маликалари ва султонлари агар юз минг аскар тўпласалар, қора байроқ ҳеч кимда бўлмасди, яшил, сариқ ва қирмизи рангли байроқлар бўларди".

Амир Темур салтанати туркий халқлар учун янги юксалиш даврини бошлаб берди. Бу даврда санъат, маданият ва фан гуркираб ривожланди. Туркий тил ўз мавқеини тиклай бошлади. Туркий халқларнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари оммалаштирилди. Табиийки, бунда рангларнинг ҳам ўз ўрни бўлган. Биргина мисол. "Зафарнома"да ёзилишича, Усмонли давлати устига қўшин тортилишидан олдин Амир Темур Сивас чўлида мазкур давлат элчилари кўз ўнгида ўз қўшинлари намойишини ўтказади. Намойишда иштирок этган аскарларнинг бир қисми қизил, бир қисми сариқ, бир қисми яшил ва бир қисми оқ рангли кийимлар кийган эди. Намойиш эрталабдан пешин намозигача давом этади.

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам қадимий туркий анъана ва урф-одатларга алоҳида эътибор берилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Ҳусайн Бойқарога таъриф берар экан, шундай ёзади: "...бовужудиким, улуғ ёш яшаб, оқсоқоллиқ бўлиб эди, хушранг, қизил, яшил абришимни кияр эди.Қора кўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ".

Ўз-ўзидан равшанки, сарой аъёнлари, шу жумладан, Алишер Навоий ҳам бу анъанага риоя қилган. Унинг шеъриятида ва достонларида сариқ, қизил, яшил ранглар тез-тез тилга олиниши боиси ҳам шу. Аммо у ҳар сафар бу ранглар воситасида гўзал, эсда қоларли тимсоллар яратади. Шоирнинг бир ғазалида шундай байт бор:

***Давр жоми заҳридиндур, доғи тиғи қонидин,***
***Сарву гул бу боғ ароким бўлдилар ёшил, қизил.***

Боғдаги сарв яшил, гул қизил бўлганлиги бежиз эмас, улар замон қадаҳга қуйган заҳар (у яшил рангда) ва унинг қонга бўялган тиғи туфайлидир, дейди Навоий ва фитналарга тўла давр манзарасини яратади.

Қуйидаги байтларга ҳам диққат қилинг:

***Гул қизил, сориғ эмас, гулшанда мен кўрган замон***
***Оқ гул эрдиким, неча ранг ўлди ул юз рашкидин***

***Иккиюзлик бўлмаким, бу боғнинг раъно гули***
***Гар қизорур бир юзи, лекин яна бир сорғорур***

Ранг анъанаси кейинги асрларда ҳам давом этди. Ҳиндистонда қурилган Бобурийлар давлатининг байроғи сариқ, қизил ва яшил рангда эди. Эркак ва аёл кийимларида ҳам бу рангларга алоҳида аҳамият бериларди.

Бизнинг давримизга келиб, ранглар анъанаси бироз унутилди. Аммо ҳозир ҳам туркий давлатлар байроқлари ва рамзларида қизил, яшил, сариқ ранглар у ёки бу даражада сақланиб қолган. Ўзбекистон, Озарбойжон, Қирғизистон, Туркманистон ва Ёқутистон байроқларида бу рангларни кўриш мумкин.

Табиийки, мазкур ранглар аждодларимиз томонидан бежиз танланмаган. Руҳшуносларнинг тавсифича, қизил ранг жисмоний ва ҳиссий жўшқинликни оширади. Яшил ранг тинчлантиради ва дўстона мулоқотга чорлайди. Сариқ ранг уйғунлашувга даъват этади. Демак, қадимда боболаримиз рангларнинг инсон руҳи ва кайфиятига таъсирини яхши билишган.

**Алишер НАВОИЙ**

*Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,*
*Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа.*
*Чекиб Хусрав дағи тиғи забонни,*
*Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.*
*Яна Жомий Ажамда урса навбат,*
*Арабда доғи чолса кўъси шавкат.*
*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,*
*Муайян турк улуси худ менингдур.*
*Олибмен тахти фармонимға осон,*
*Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*
*Хуросон демаким, Шерозу Табрез,*
*Ки қилмишдир найи килким шакаррез.*
*Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,*
*Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.*

## Субҳидам

### ҚИТЪАЛАР

("Девони Фоний"дан)

*Ёмонга яхшилик кам қилгил, аммо*
*Не имкон бўлса қўлда яхшига қил.*
*Агар лутфинг уларга айласанг тенг,*
*Ёмонга кўп бўлур, яхшига оз, бил.*

* * *

*Улуғлар шеърига Фоний назира*
*Ёзаркан, бу эмасдир худнамолик.*
*Улар диллар уйига соҳиб эрса,*
*Муроддир бунга у ерда гадолик.*

* * *

*Ёмон шахсдин бўлур гар яхши фарзанд,*
*Таажжуб ҳам таҳайюр қилмоғинг қўй.*
*Ахир тошлар аро гавҳар топилгай,*
*Тиканлар ичра гул ҳам тарқатар бўй.*

**Форс тилидан таржима.**



## ҲАЗРАТ ҲАҚИДА

Турку Ажаму
Арабда айём,
Ҳар шоира
вермишди бир ком.
Ўлмишди Навоийи
сухандон
Манзури шаҳаншоҳи
Хуросон.

**Фузулий.**

* * *

Навоий давлат арбоби ва Шарқ адабиёти тарихида фахрий ўринда туришга лойиқ машҳур шоирдир.

**Сильвестр де-САСИ, XVII аср француз шарқшуноси.**

* * *

Навоийнинг хизматларини ҳеч ким инкор этолмайди, чунки у тетапоя бўлиб келаётган туғма адабиётини камолот чўққисига кўтарди.

**Михаил НИКИТСКИЙ, XIX асрда яшаган рус шарқшуноси.**

* * *

Унинг вафотидан бери уч ярим аср ўтган бўлса-да шоирнинг асарлари ... бугун ҳар бир ўзбекнинг хонадонида азиз бисот ҳисобланади.

**Арминий ВАМБЕРИ, XIX асрда яшаган венгер сайёҳи ва шарқшуноси.**

* * *

Ўзининг саховати, заковати ва санъаткорона ижоди билан адабиётда абадийлашган буюк вазир ва буюк шоир Алишер Навоий турк ва форс тилларида абадий яшамоқда.

**ХАММЕР, XIX асрда яшаган австриялик шарқшунос.**

* * *

Нурли юлдузлар каби ярқираб турган Навоий, Жомий, Абдураззоқ, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ ва бошқаларни кўрган замонни Шарқ адабиёти тарихининг мумтоз даври дейиш керак.

**М.БЕЛИН, XIX асрда яшаган француз шарқшуноси.**

* * *

Биз шоирликда бирор кишини у билан тенглаштириб тасаввур қила оламизми?

**Нодар Персоданидзе, XVII асрда яшаган грузин ёзувчиси.**

* * *

Навоий фақат гениал мутафаккир ва буюк шоиргина эмас, балки том маънодаги инсон, ўз халқини эҳтирос билан севувчи одам ҳам эди. Бундай одамларнинг умри боқий бўлади.

Навоий ижодиёти музей экспонати, тарих парчаси эмас. У барҳаёт ва бундан кейин ҳам яшайди. Шунинг учун ҳам ўзининг буюк фарзандининг муқаддас хотирасини ҳурмат қилиб, унинг ижодини ҳормай-толмай ўрганиш ўзбек халқининг виждоний ишидир.

**Е.Э.БЕРТЕЛЬС, XX асрда яшаган рус шарқшуноси.**

## «ТАВОРУД» НИМА?



Мумтоз адабиётда "таворуд" деган атама бор. Икки ижодкорнинг бир-биридан хабарсиз ҳолда бир мавзуни ёритиши, бир фикрни ифодалашига таворуд дейилади. Замонавий адабиёт илмида у "параллелизм" деб номланган.

Навоий асарлари мутолааси жараёнида шоир қаламга олган айрим мавзуларнинг кейинги давр Европа ва рус адабиёти вакиллари ижодидаги мавзулар, тимсоллар билан ўхшашлиги диққатимни жалб этди. Навоий шеъриятида ифодаланган фикр ундан бир неча аср кейин яшаган шоирлар шеърида ҳам такрорланган. Турли қитъаларда яшаган бу ижодкорлар Навоий асарлари билан таниш бўлмаганлиги аниқ. Шуниси диққатга сазоворки, Навоий мисралари бадиийлик жиҳатидан ҳам, фикрни аниқ ва лўнда ифода этиши билан ҳам ажралиб туради. Мана баъзи мисоллар.

Навоийда:
***Парим бўлса, учиб қочсам улустин то қанотим бор,***
***Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.***

Лермонтовда:
***Майли қийналсамда икки бор кўпроқ,***
***Фақат одамлардан бўлайин йироқ.***

Навоийда:
***Музтариб кўнглум аро ул юз хаёли айланур,***
***Мавжлуқ сувда қуёш акси начукким чайқанур.***

Ҳайнрих Ҳайнеда:
***Туғён тўла денгиз бағрида***
***Титрабгина кўринар ҳилол.***
***Ўзи эса тиниқ ва сокин***
***Мовий кўкда сузар бемалол.***



***Худди шундай осойиштадир***
***Ва равшандир йўлларинг, жоним.***
***Аммо аксинг титрар қалбимда***
***Чунки унда ташвиш лиммо-лим.***

*(Муаллиф таржимаси)*

Юқоридаги мисоллар ғазал жанрининг имкониятларини, салмоқли ва нозик фикрларни ифодалашга қодир эканлигини ҳам кўрсатади. Навоий ўз халафининг саккиз мисрада ифодалаган фикрларини бир байтда айтиб қўя қолган. Демак, гап шаклда эмас, балки санъаткорнинг маҳоратида.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида ёлғиз кишиларнинг фожиасини гўзал тимсоллар воситасида шундай тасвирлайди:

***Йўқ ҳунари ёлғуз эса ўз киши,***
***Қайда киши сонида ёлғуз киши.***

***Фард киши даврда топмас наво,***
***Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?***

***Ёрсиз эл оҳи ғамандуд эрур,***
***Ёнса йиғоч ёлғуз, иши дуд эрур.***

***Тоқ киши айши уйин бил нигун,***
***Уйга қачон ҳомил ўлур бир сутун?***

Худди шу фикрларни Владимир Маяковский ҳам қаламга олган. У ўз даврининг бош ғояси — коллективлаштиришнинг аҳамиятини кўрсатиш учун ёлғизликнинг фожиасини худди шунга ўхшаш мисраларда ифодалайди.

Хўш бу таворудларнинг асосий сабаби нимада? Турли мамлакатларда ва турли даврларда яшаган бу санъаткорлар ижодидаги ҳамоҳанглик илдизи қаерда? Бизнингча, бунинг боиси буюк ижодкорлар ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг, улар қалбида жўш урган туйғулар ва изтиробларнинг муштараклигидир.

## МАШҲУР ИБОРАЛАР ИЛДИЗИ



### "Асҳоби каҳф"

Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари, жумладан, Алишер Навоий асарларида учрайдиган "Асҳоби каҳф" ибораси эрамизнинг 3-асрида яшаган Рум қайсари Декиус(Дақёнус) номи билан боғлиқ. Масиҳий ва ислом ривоятларига кўра, у одамларни бутпарастликка эътиқод этишга мажбур қилган. Бу ҳақдаги қисса Қуръоннинг "Каҳф" сурасида ҳам келтирилган. "Асҳоби каҳф" — арабча "ғор аҳли" демакдир. Ривоятга кўра, Дақёнус даврида олтита йигит худога қаттиқ эътиқодлари туфайли қайсар зулми ва таъқибидан қочиб, кечаси шаҳардан чиқиб кетадилар. Йўлда уларга бир чўпон ҳам ҳамроҳ бўлади. Аммо унинг итини шаҳарга қайтариб юбормоқчи бўлишади. Лекин ит одамдек тилга кириб, "мен ҳам сиз қидираётган зотни қидираяпман", дейди. Ҳаммалари тоғдаги бир ғорга кириб, уйқуга кетадилар. Орадан 309 йил ўтиб, уйғонадилар. Улардан бири овқат олиб келиш учун шаҳарга тушади. Таом олиш учун танга узатса, ошпаз ундаги Дақёнус тасвирини кўриб, ҳайрон қолади. Йигитни шаҳар ҳокими ҳузурига олиб келади. Ҳоким унинг сўзларини тушунмагач, кекса бир донишмандни топиб келадилар. У йигитнинг бошидан ўтганларини ҳокимга тушунтириб беради. Ҳаммалари ғор аҳлини зиёрат қилгани борадилар. Уларни эъзозлаш учун шаҳарга олиб келишмоқчи бўлишади. Аммо ғор аҳли бунга рози бўлмайди. Худога илтижо қилиб, жонларини олишни сўрайдилар.

Баъзи манбаларда уларнинг яна қайта уйқуга кетганликлари, энди қиёмат куни уйғонишлари айтилади. Ғор аҳлининг номлари қуйидагича бўлган: Ямлиҳо, Максалмино, Кашфутат, Табюнус, Кашофатюнус, Азарфатюнус, Юнусбус. Итларининг номи эса Қитмир.

Адабиётда "Асҳоби каҳф" ибораси худога эътиқоднинг собитлиги, фидойилик рамзи сифатида ишлатилади.

Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида ўзининг пирлари — Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомийлар ҳақида сўз юритиб, камтарлик билан шундай сатрлар битади:

***Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,***
***Мен ҳам ўлай "робиуҳум калбуҳум".***

Яъни, пирларим мангулик ғорига кириб кетсалар, мен ҳам тўртинчилари — итлари бўлиб, ортларидан кириб кетаман, дейди шоир.

### "Вомиқ ва Азро"

Вомиқ араб адабиётида номи машҳур бўлган, Мажнун сингари фидойи ошиқдир. Азро(Узро) эса унинг севгилисидир. Азро сўзи араб тилида бокира қиз деган маънони билдиради. Мумтоз адабиётда "Узори Азро мисол дилбар", "Азро фиол", "Марями Азро" сингари иборалар кенг қўлланилади.

Навоий шеъриятида ҳам Вомиқ ва Азро тимсоллари учрайди. "Ғаройиб ус-сиғар"да шундай байт бор:

***Эй кўнгул, Фарҳод ила Вомиқ доғи Мажнун қани,***
***Бўлмағил ғофилки, бирбир бордилар ҳамроҳлар.***

Навоий ўзини барча даврларнинг фидойи ошиқларига қиёслайди ва улар кетдилар, сен ҳам ғофил бўлма, дейди.

Вомиқ ва Азронинг муҳаббат можароси туркий халқларда Фарҳод ва Мажнун афсоналари сингари кенг ёйилмаган, адабий асарларга ва халқ достонларига ҳам мавзу бўлмаган. Баъзи тарихий манбаларга кўра, асли турк бўлган ва Кайковуснинг саройида хизмат қилган шоир Фархорий бу ҳақда бир шеърий асар ёзган. Унсурийнинг ҳам "Вомиқ ва Азро" номли достони бор.

Мумтоз ўзбек адабиётида Вомиқ ва Азро номлари соф муҳаббат, фидойилик рамзи сифатида тилга олинади.

## ҲИКМАТЛАР

***Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.***

* * *

***Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.***

* * *

***Мушукка риоят — кабутарга офатдур.***

* * *

***Заҳмат била топқонингни ўзунгдин аяма ва меҳнат била йиққонингни дўстлар била душманлар учун асрама.***

* * *

***Ҳар кимки сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлғоч уёлғон.***

* * *

***Кўнгил махзанининг қуфли тил ва ул махзаннинг калидин сўз бил.***

* * *

***Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.***

* * *

***Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,***
***Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.***

* * *

***Эр кишига зебу зийнат — ҳикмату донишдурур,***
***Яхши киймак бирла хотунларға оройишдурур.***

* * *

***Хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб,***
***Гул ямоғлиқ чопони била маҳбуб.***

* * *

***Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.***

* * *

***Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиги сўз била.***

* * *

***Яхши бўл ё ёмон, иккиси бўлурман деган ҳамону ёмон ҳамон. Ёмон билан яхши орасида кўп фарқдур, икки кеманинг учин тутқон ғарқдур.***

* * *

***Тилинг бирла кўнглунгни бир тут. Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт. Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас.***

* * *

***Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин айта олур тилни ёлғонга булғама. Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас.***

* * *

***Кўзни ўз айбингдан олма ва ўзгалар айбиға кўз солма.***

* * *

***Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни кўп эшитурдан қайтма. Оз деган оз янгилур, оз еган оз йиқилур. Очлиғ ҳикмат сармоясидур ва тўқлуғ ғафлат пироясидур. Тўқлуғ ҳирсин кўнгулдин йўқ қил. Ўзунг оч бўлуб, бир очни тўқ қил. Либос ҳар нечаким зебодур, кийганингдин кийдурганинг авлодур.***

**«Маҳбуб ул-қулуб»дан.**

## ҲИКОЯТЛАР



Соҳибқирон(Ҳусайн Бойқаро) бир қиш Марв шаҳрида қишлаганларида олам улуғларининг паноҳи ҳам бирга эди. Бир мусича Олийҳазратнинг(Алишер Навоий) чодирига кириб юрди, ҳеч ким унга тўқинмагани учун у ерга уя ясаб, тухум ҳам қўйди. Сайёралар подшоҳи(қуёш) Ҳут қишлогидан иззат ва шараф манзилига юриш қилгач, Султони соҳибқирон ҳам пойтахт Ҳиротга йўналмоқчи бўлди. Мусича эса ҳали тухумни очмаган эди. Давлатли Олийҳазратнинг зотий шафқат ва табиий марҳамати шуни тақозо қилдики, мусича тухум очиб, болаларини катта қилгунча чодирни қимирлатмай, шундай қолдирилсин. Бинобарин, Хожа Ҳасан Бахтиёрга у чодирни муҳофазат қилиб туришни ва мусича болаларини учирма қилганидан кейин хизмат ҳақи учун чодирни ўзи олиб кетишни буюрди. Мазкур Хожа ҳам, бу ишни қабул қилиб, у жонивор ўз болаларини катта қилиб, олиб кетгунча кузатиб турди.

***

Бир куни ҳидоят насабли Амир (Алишер Навоий) аср намозини адо қилгандан сўнг, кундалик одатга қарши, намозда бўлмаганларни суриштиришга киришмай, тез суръат билан ўзининг хусусий боғчасига қараб йўлланди ва бирор жойда тўхтамасдан етиб борди. Ўша пайт Амир олдида бўлган одамлар ҳайрон бўлишди. Олийҳазрат улардаги бундай ажабланишни англаб, гавҳар сочувчи тил билан шундай деди: "мен масжидга келаётганимда фалон жойда таҳорат қилган эдим. Намоз сафида турганимда елкамда бир чумоли кўрдим. Билдимки, таҳорат қилган жойимда менга илашган экан. Мабодо у менинг елкамдан тушиб, озор топса ва ўз уясининг йўлини тополмаса, унинг уволига қоларман, деб қўрқдим. Шунинг учун намоздан кейин теззлик билан таҳорат олган жойимга бориб, уни уяси оғзига қўйдим ва озор етказиш ташвишидан қутулдим".

Олийҳазратнинг хизматидагилар бу ҳикояни эшитганларидан кейин унинг ғоят раҳмдиллигидан ҳайрат денгизига чўмдилар ва тилларини дуога ва раҳматлар айтишга очдилар.

* * *

Кунлардан бир кун, гап айланиб, баланд даражали Амир (Алишер Навоий) шундай дедилар: Султон Абу Саид замонида жума куни Ҳирот шаҳри ичидаги масжиди жомеъда жума намозини адо қилгандан кейин хиёбонда сайр қилиш учун ўша томонга жўнадим. Муфарриҳ кўчасига яқинлашганимда бош ва оёқ яланг ҳолда ўтирган бир гадойни кўрдим.

У шундай дерди:

— Аёлманд бир кишиман, бир неча оч-яланғоч болаларим бор. Эрталабдан бери ўтириб тиланаман, ҳозиргача ҳеч ким бир пул бергани йўқ.

Ул ҳазрат айтдиларки, ўша вақтда ёнимда бир танга бор эди. Ундан бошқа дунё молидан ҳеч нарсам йўқ эди. Ўз-ўзимга шундай дедим: майда ва йирик нарсаларни яратувчига таваккал қилиб, бу тангани шу дарвешга берсанг, токи хотин, бола-чақаларининг бугунги овқатини тўғриласа, сенинг эса эрталик ризқингни худовинг ўзи етказар.

Ўша заҳоти тангани унга бериб, ўтиб кетдим. Намозшомгача хиёбонда сайр қилиб юриб, қайтдим. Қайтишда кўрдимки, ҳалиги дарвеш ўша жойда ўтириб, илгариги сўзларни айтиб тиланарди. Унинг ҳаддан ташқари ёлғончилиги ва гадойликдаги ўта ҳарислигидан таажжубландим. Аммо бу ишдан хабардор бўлганимни унга билдирмадим.

**Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асаридан**

**Саҳифа материалларини шоир Носир МУҲАММАД тайёрлаган.**

